ТОШКЕНТ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА ЁЗМА ВА ТАРИХИЙ МАНБАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Абдуллаева Озодахон Муродхон қизи
Мирзо Улуғбек номидпги Ўзбекистон миллий университети
Тарих факультети, Археология ва этнология
кафедраси ходимаси
https://doi.org/10.5281/zenodo.21864882

Аннотация. Мақолада Тошкент шаҳри ва воҳасининг қадимги ҳамда ўрта асрлар тарихини ўрганишда ёзма манбаларнинг тутган ўрни таҳлил қилинган. Араб ва форс тилларида яратилган тарихий-географик асарлар, хитой сулолавий йилномалари, маҳаллий тарихий маълумотлар, вақф ҳужжатлари, сайёҳлар ва дипломатларнинг сафар қайдлари ҳамда XIX–XX аср бошларидаги дастлабки илмий тавсифларнинг манбашунослик хусусиятлари очиб берилган. Ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал, ал-Муқаддасий, Ибн Хурдадбеҳ, «Ҳудуд ал-олам» муаллифи, Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Қошғарий ва бошқа муаллифлар асарларида Тошкент воҳасининг «Чоч», «Шош», «Бинкат» ва «Тошкент» номлари билан қайд этилиши ўзаро қиёсланган. Ёзма манбаларда келтирилган шаҳар тузилиши, савдо йўллари, суғориш тизими, мудофаа иншоотлари ва аҳоли машғулотларига оид маълумотларни археологик материаллар билан биргаликда ўрганиш зарурлиги асосланган.
Калит сўзлар: Тошкент, Чоч, Шош, Бинкат, ёзма манба, тарихий география, араб манбалари, форс манбалари, хитой йилномалари, археология, сайёҳлар қайдлари, вақф ҳужжатлари, манбашунослик.

Аннотация. В статье анализируется роль письменных источников в изучении древней и средневековой истории города и оазиса Ташкента. Раскрываются источниковедческие особенности арабо и персоязычных историко-географических сочинений, китайских династийных хроник, местных исторических сведений, вакфных документов, путевых записок путешественников и дипломатов, а также первых научных описаний XIX – начала XX века. Проведено сравнительное исследование сведений о Ташкентском оазисе, представленных в трудах аль-Истахри, Ибн Хаукаля, аль-Мукаддаси, Ибн Хордадбеха, анонимного автора «Худуд ал-алам», Абу Райхана Беруни, Махмуда Кашгари и других авторов, где регион упоминается под названиями «Чач», «Шаш», «Бинкат» и «Ташкент». Обоснована необходимость комплексного изучения сведений письменных источников о городской структуре, торговых путях, ирригационной системе, оборонительных сооружениях и хозяйственной деятельности населения в сопоставлении с археологическими материалами.
Ключевые слова: Ташкент, Чач, Шаш, Бинкат, письменные источники, историческая география, арабские источники, персидские источники, китайские хроники, археология, путевые записки, вакфные документы, источниковедение.

Abstract. This article examines the role of written sources in the study of the ancient and medieval history of the city and oasis of Tashkent. It explores the source-critical characteristics of Arabic and Persian historical-geographical works, Chinese dynastic chronicles, local historical records, waqf documents, travel accounts of diplomats and explorers, as well as the earliest scholarly descriptions produced during the nineteenth and early twentieth centuries. The study comparatively analyzes references to the Tashkent oasis

in the works of al-Istakhri, Ibn Hawqal, al-Muqaddasi, Ibn Khordadbeh, the anonymous author of *Hudud al-'Alam*, Abu Rayhan al-Biruni, Mahmud al-Kashgari, and other medieval scholars, where the region is recorded under the names *Chach*, *Shash*, *Binkat*, and *Tashkent*. The article substantiates the importance of integrating information from written sources concerning the urban structure, trade routes, irrigation systems, defensive fortifications, and economic activities of the population with archaeological evidence in order to achieve a more comprehensive reconstruction of the region's historical development.

Keywords: Tashkent, Chach, Shash, Binkat, written sources, historical geography, Arabic sources, Persian sources, Chinese dynastic chronicles, archaeology, travel accounts, waqf documents, source criticism.

Кириш. Тошкент Марказий Осиёнинг қадимги шаҳар маданияти шаклланган йирик тарихий-маданий марказларидан бири ҳисобланади. Унинг Чирчиқ ва Оҳангарон водийлари, Сирдарёнинг ўрта оқими ҳамда Фарғона водийсига олиб борувчи тоғ йўллари туташган ҳудудда жойлашгани шаҳарнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятини белгилаб берган. Қадимги ва ўрта асрларда Тошкент воҳаси ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари билан кўчманчи дашт ўртасидаги ўзига хос чегаравий макон, шу билан бирга, Шарқ ва Ғарбни боғлаган савдо йўлларининг муҳим бўғини вазифасини бажарган. Тошкент тарихини фақат археологик топилмалар асосида ёритиш мумкин эмас. Қазишмалардан олинган қурилиш қолдиқлари, сопол буюмлар, тангалар, ишлаб чиқариш устахоналари ва мудофаа иншоотлари шаҳар ҳаётининг моддий томонини очиб беради. Бироқ ушбу объектларнинг сиёсий мақоми, муайян даврдаги номи, савдо йўлларидаги ўрни, маъмурий тобелиги ва аҳолининг ижтимоий ҳаёти ёзма манбаларсиз тўлиқ англашилмайди. Шу сабабли шаҳар тарихини реконструкция қилишда ёзма ва археологик маълумотларни ўзаро қиёслаш асосий илмий усуллардан бири бўлиб хизмат қилади. Тошкент ҳақидаги маълумотлар турли даврларда араб, форс, хитой, туркий ва рус тилларида яратилган манбаларда сақланган. Уларнинг айримлари шаҳарни бевосита кўрган муаллифлар томонидан ёзилган бўлса, бошқалари элчилар, савдогарлар, ҳарбийлар ва аввалги асарлар маълумотларига таянган. Манбаларнинг яратилиш мақсади ҳам бир хил эмас: географик асарларда йўллар, масофалар, шаҳарлар ва табиий бойликлар устувор бўлса, тарихий асарларда сиёсий воқеалар, юришлар ва ҳукмдорлар фаолияти биринчи ўринга чиқади. Сулолавий йилномаларда эса Тошкент воҳаси ташқи сиёсий муносабатлар доирасида тасвирланган. Мақоланинг мақсади Тошкент тарихини ўрганишда араб-форс манбалари, хитой йилномалари, маҳаллий тарихий маълумотлар, сайёҳлар қайдлари ва дастлабки илмий тавсифларнинг аҳамиятини очиб бериш, уларнинг имкониятлари ва чекланган жиҳатларини манбашунослик нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат.

Араб ва форс тарихий-географик асарларининг манбашунослик аҳамияти

Тошкент воҳасининг VIII–XII асрлардаги тарихини ўрганишда араб ва форс тилларида яратилган географик асарлар асосий ёзма манбалар қаторига киради. Уларда ҳозирги Тошкент шаҳри ва унинг атрофидаги ҳудудлар кўпинча «Шош» ёки «Чоч», воҳанинг марказий шаҳри эса «Бинкат» номи билан қайд этилган. Бу атамаларнинг ўзаро фарқи манбаларни тўғри талқин қилишда муҳимдир. «Шош» кўп ҳолларда бутун тарихий-географик вилоятни, «Бинкат» эса унинг маъмурий ва иқтисодий марказини ифодалаган.

Араб географик мактабининг дастлабки вакилларидан Ибн Хурдадбеҳнинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик» асари шаҳарлар ўртасидаги йўллар, масофалар, почта бекатлари ва савдо алоқалари ҳақида маълумот беради. Унинг асарида Шош

Мовароуннаҳрдан туркий ҳудудларга чиқувчи йўллар тизимидаги муҳим нуқта сифатида намоён бўлади.

Бу маълумот Тошкентнинг географик ўрни тасодифий эмаслигини, унинг иқтисодий тараққиёти минтақалараро ҳаракат ва алмашинув билан боғлиқ бўлганини кўрсатади. Ибн Хурдадбеҳнинг масофаларга оид маълумотларини замонавий харита ва археологик ёдгорликлар жойлашуви билан таққослаш орқали қадимги йўлларнинг эҳтимолий йўналишларини тиклаш мумкин.

Ал-Истахрийнинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик» асарида Шош ва Илоқ бир-бири билан географик ва иқтисодий жиҳатдан боғланган ҳудудлар сифатида тасвирланган. Шош Чирчиқ водийсига, Илоқ эса асосан Оҳангарон водийсига тўғри келган. В.В. Бартольд ал-Истахрий, Ибн Ҳавқал ва ал-Муқаддасий маълумотларини умумлаштириб, Шош ва Илоқнинг географик жиҳатдан «бир бутун ҳудуд»ни ташкил этганини қайд этган. Унинг таҳлилида Шошнинг шимолий қисми Чирчиқ дарёси, Илоқ эса Оҳангарон ҳавзаси билан боғланган[1].

Ал-Истахрий Шош вилоятидаги шаҳарлар сонини, уларнинг бир-бирига нисбатан жойлашувини ва айрим йўлларни кўрсатиб беради. В.В. Бартольд келтирган маълумотларга кўра, ал-Истахрий Шошда йигирма еттита, ал-Муқаддасий эса ўттиз тўртта шаҳарни санаб ўтган. Илоқда эса мутаносиб равишда ўн тўрт ва ўн еттита шаҳар қайд этилган.[2]

Бу рақамлар воҳада шаҳарлар тармоғи юқори даражада ривожланганини кўрсатади. Археологик жиҳатдан ушбу шаҳарларнинг барчаси ҳозирча аниқ локализация қилинмаган бўлса-да, ёзма маълумотлар Тошкент воҳаси ягона [2]марказдан иборат эмас, балки кўплаб катта ва кичик шаҳарлар, қишлоқлар, қалъалар ва работлардан ташкил топган мураккаб топографик тизим бўлганини англатади. Ибн Ҳавқалнинг «Сурат ал-арз» асари ал-Истахрий анъанасини давом эттирган бўлса-да, муаллифнинг шахсий кузатувлари ва қўшимча маълумотлари билан ажралиб туради. У Шошнинг серҳосил ерлари, суғориладиган майдонлари, боғлари ва узумзорлари ҳақида маълумот беради. Шунингдек, шаҳарларнинг мудофаа аҳамияти ва кўчманчи ҳудудларга яқинлигига эътибор қаратади. Ибн Ҳавқал Шошнинг шимолий чегарасида ҳимоя девори ва хандақлар бўлганини қайд этади. Бартольд ушбу маълумотга таяниб, Чирчиқнинг маданий ўзлаштирилган ҳудудини шимолий даштлардан ҳимоя қилган девор араб ҳукмронлиги даврида, эҳтимол, IX асрнинг биринчи ярмигача қурилганини таъкидлайди.[3]

Ушбу мудофаа тизими ҳақидаги маълумот Тошкент воҳасининг чегаравий хусусиятини англашда муҳимдир. Шаҳар ва қишлоқларнинг ривожланиши фақат иқтисодий омилларга эмас, балки ташқи хавфдан ҳимояланиш заруратига ҳам боғлиқ бўлган. Ёзма манбада тилга олинган девор ва хандақларнинг эҳтимолий йўналишларини археологик ва топографик тадқиқотлар билан қиёслаш воҳанинг ҳарбий географиясини тиклаш имконини беради. Ал-Муқаддасийнинг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» асари Бинкатнинг шаҳарсозлик тузилишини ўрганишда энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. У Бинкатни Шош вилоятининг маркази сифатида тасвирлайди. В.В. Бартольд ал-Муқаддасий маълумотларини таҳлил қилиб, Бинкат икки қатор ташқи девор, шаҳристон ва алоҳида қалъадан ташкил топганини кўрсатган. Ташқи деворнинг еттита, ички

[1] Бартольд В.В. Turkestan Down to the Mongol Invasion. Second edition. – London: Luzac & Co., 1928. – P. 169–170

[2] Ал-Истахрий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад. Китоб ал-масолик вал-мамолик // Bibliotheca Geographorum Arabicorum. Pars I / Ed. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1927. P 143-150.

3 Ибн Ҳавқал, Абу-л-Қосим ан-Насибий. Китоб сурат ал-ард / Ed. J.H. Kramers. – Leiden: Brill, 1938–1939. – P. 507, 522.

деворнинг ўнта, шаҳристоннинг учта, қалъанинг эса иккита дарвозаси бўлган. Ҳукмдор саройи ва зиндон қалъада, жоме масжиди қалъага яқин жойда, бозорларнинг бир қисми шаҳристонда, асосий қисми эса рабодда жойлашган. Шаҳарнинг узунлиги ва кенглиги ташқи деворлар оралиғида тахминан бир фарсахни ташкил этган, унинг атрофида боғ ва узумзорлар кўп бўлган.

Бу маълумот ўрта аср шаҳарининг ички функционал тузилишини аниқ тасаввур қилиш имконини беради. Қалъа сиёсий ва ҳарбий бошқарув маркази, шаҳристон доимий шаҳар аҳолиси яшайдиган ҳудуд, рабод эса ҳунармандчилик ва савдо ҳаётининг асосий майдони бўлган. Шаҳар бозорларининг асосан рабодда жойлашиши ташқи савдо ва ҳунармандчилик фаолияти шаҳарнинг кенгайган қисмида жадал ривожланганини кўрсатади. Бундай тузилиш Мовароуннаҳрнинг Самарқанд, Бухоро, Пайканд, Ахсикат каби бошқа шаҳарларида ҳам кузатилади.

Бартольд Бинкатнинг ҳозирги Тошкент ҳудудида жойлашганини эҳтимолий хулоса сифатида илгари суради. У Шутуркатдан Бинкатга бир кунлик йўл бўлгани, ораликдаги шаҳарлар ва масофалар ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиб, Бинкатни ҳозирги Тошкент билан боғлаш мумкинлигини таъкидлаган.[5]

Бу қараш кейинги археологик тадқиқотларда Тошкентнинг IX–XII асрлар маркази Бинкатнинг тарихий топографиясини аниқлашга асос бўлган. Араб географлари асарларида Шош ва Илоқдаги шаҳарлар ўртасидаги йўллар, масофалар ва табиий бойликларга оид маълумотлар ҳам учрайди. Масалан, «Шош кумуш кони» ёки форсча «Куҳи Сим» - «Кумуш тоғ» ҳақидаги маълумотлар Илоқ тоғ-кон саноатининг ривожланганини кўрсатади. Бартольд ушбу конлар Ангрен водийсининг жанубий қисмида жойлашган бўлиши мумкинлигини қайд этади. Кумуш конларининг мавжудлиги Шош ва Илоқ иқтисодиёти, танга зарб қилиш, металл савдоси ва ҳунармандчилик тараққиётини англашда муҳимдир. Араб манбаларининг яна бир муҳим хусусияти — уларда этник ва диний ҳаётга оид айрим маълумотларнинг учрашидир. Шошнинг туркий ҳудудларга яқинлиги, мусулмонлар ва бошқа диний жамоаларнинг ўзаро муносабати, чегара қалъалари ва ғозийлар фаолияти мазкур ҳудуднинг сиёсий-маданий муҳити мураккаб бўлганини кўрсатади. Бироқ бундай маълумотларни танқидий қабул қилиш лозим, чунки араб географлари чегара ҳудудларини кўпинча ислом дунёси ва туркий дашт ўртасидаги қарама-қаршилик нуқтаи назаридан тасвирлаганлар.

Форс манбалари ва маҳаллий топонимик анъана

Форс тилида яратилган «Ҳудуд ал-олам мин ал-Машриқ ила-л-Мағриб» асари X асрнинг иккинчи ярмидаги Марказий Осиё тарихий географиясини ўрганишда муҳим манбадир. Асар 982–983 йилларда ёзилган бўлиб, муаллифи номаълум. Унда шаҳарлар, вилоятлар, тоғлар, дарёлар, халқлар, табиий бойликлар ва маҳсулотлар ҳақида қисқа, аммо мазмунли маълумотлар келтирилган. Асарнинг форс тилида ёзилгани маҳаллий номлар ва географик атамаларнинг араб манбаларига нисбатан бошқачароқ шаклда сақланишига имкон берган. Асарнинг илмий қиймати унинг X асрга оид мустақил форсий географик анъанани акс эттириши билан белгиланади.

«Ҳудуд ал-олам»да Бинкат Чочнинг маркази сифатида кўрсатилади. В.Ф. Минорский нашрида Бинкат «Чочнинг пойтахти» ва катта шаҳар сифатида тавсифланади.[8] Бу маълумот араб географларининг Бинкат ҳақидаги хабарларини тасдиқлайди. Айни пайтда асарда Чочнинг табиий бойликлари, шаҳар ва қишлоқлари, дарё ва йўллари ҳақидаги маълумотлар воҳанинг иқтисодий ҳаётини ўрганишда қимматлидир. Форс манбаларида «Чоч» шаклининг сақланиши топонимик жиҳатдан муҳим. Араб тилида «ч» товуши бўлмагани учун «Чоч» номи «Шош» тарзида ифодаланган. Демак, «Чоч» ва «Шош» икки хил ҳудудни эмас, бир тарихий-географик

воҳанинг турли тиллардаги фонетик шаклларини англатади. Бу фарқни ҳисобга олмаслик манбаларда тилга олинган шаҳар ва вилоятларни нотўғри ажратишга олиб келиши мумкин.

Абу Райҳон Беруний асарлари ҳам Тошкент тарихини кенг минтақавий жараёнлар доирасида ўрганишга ёрдам беради. Берунийнинг «Осор ал-боқия», «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» ва бошқа асарларида Марказий Осиёнинг халқлари, тақвимлари, географик атамалари, маъданлари ва [3]маданий анъаналари ҳақида маълумотлар мавжуд. Унинг минералогияга оид маълумотлари Шош ва Илоқнинг тоғ-кон бойликларини ўрганишда қўшимча манба вазифасини бажаради.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асари Тошкент топониминиг туркий тил муҳитидаги тараққиётини ўрганишда муҳимдир. Асарда шаҳар ва манзилгоҳ номларида «кент», «канд», «кат» шаклларининг қўлланиши ушбу компонентнинг «шаҳар» ёки «обод манзил» маъносини англатганини кўрсатади. Тошкент номидаги «тош» ва «кент» қисмларининг бирикиши туркий ва эроний тил қатламларининг ўзаро таъсирини намоён этади. Шу жиҳатдан Тошкент топоними шаҳар тарихининг тил ва этномаданий жараёнларини ҳам ўзида акс эттиради. [4]

Хитой сулолавий йилномаларининг аҳамияти

Тошкент воҳаси ҳақидаги энг қадимги ташқи ёзма хабарлар хитой сулолавий йилномаларида учрайди. «Ханьшу», «Хоу Ханьшу», «Суйшу», «Цзю Таншу» ва «Син Таншу» каби асарларда Марказий Осиё давлатлари, савдо йўллари ва сиёсий муносабатлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу йилномаларда Тошкент воҳаси турли даврларда турлича иероглиф транскрипциялари билан ифодаланган. Бу номларнинг замонавий ўқилиши ва муайян археологик ёдгорликлар билан боғланиши тарихшуносликда баҳсли масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хитой манбаларининг муҳимлиги шундаки, улар Тошкент воҳасининг араблар истилосидан анча аввалги сиёсий ҳолати ҳақида маълумот беради. Уларда воҳанинг Кангюй ёки ундан кейинги сиёсий тузилмалар билан алоқаси, маҳаллий ҳукмдорлар, элчилик муносабатлари ва савдо йўллари ҳақида хабарлар мавжуд. Бу маълумотлар Тошкентда шаҳар маданияти фақат ислом даврида шаклланмаганини, балки ундан олдин ҳам сиёсий ва иқтисодий марказлар мавжуд бўлганини кўрсатади.

Бироқ хитой йилномаларидаги маълумотлардан фойдаланишда фонетик транскрипция муаммосини ҳисобга олиш лозим. Хитой муаллифлари маҳаллий номларни иероглифлар орқали ўз тилларининг фонетик имкониятларига мослаштириб ёзганлар. Натижада бир топоним турли асрлар ва турли йилномаларда бир-биридан фарқ қилувчи шаклларда учрайди. Шу сабабли хитойча номни тўғридан-тўғри муайян археологик ёдгорлик билан тенглаштиришдан аввал манба санаси, йўл масофалари, қўшни давлатлар, сиёсий вазият ва археологик хронология биргаликда таҳлил қилиниши керак.

Хитой манбаларидаги маълумотлар Қанқа, Шоштепа ва Мингўрик каби ёдгорликларнинг тарихий мақомини тушунишда муҳимдир. Масалан, муайян йилномада тилга олинган сиёсий марказни Қанқа ёки Мингўрик билан боғлаш учун шаҳарнинг ўша даврдаги ҳажми, мудофаа тизими, маданий қатламлари ва ташқи алоқаларни кўрсатувчи топилмалар ҳисобга олиниши зарур. Фақат номнинг фонетик ўхшашлиги илмий идентификация учун етарли эмас.[5]

---

[4] Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит турк. I–III жилдлар. – Тошкент: Фан, 1960–1963.

[5] Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент: Фан, 1990.Hanshu (漢書 — «Хань сулоласи тарихи»).

Маҳаллий тарихий маълумотлар ва вақф ҳужжатлари

Тошкентнинг сўнгги ўрта асрлар ва янги давр тарихини ўрганишда маҳаллий солномалар, тазкиралар, насабномалар, вақфномалар, қозилик ҳужжатлари ва эпиграфик ёзувлар муҳим ўрин тутади. Араб-форс географлари асосан бутун воҳа ва йирик шаҳарларни тасвирлаган бўлсалар, маҳаллий ҳужжатларда алоҳида маҳалла, масжид, мадраса, бозор, қабристон, ариқ ва ер-мулк чегараларига оид аниқ маълумотлар учрайди.

Вақф ҳужжатлари шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишини ўрганишда айниқса қимматли. Улар орқали диний ва таълим муассасаларининг моддий таъминоти, ер ва дўконлардан олинган даромадлар, вақф мулкининг жойлашуви, шаҳар маҳаллалари ва аҳоли вакилларининг исмлари аниқланади. Вақфномаларда кўрсатилган чегаралар ва қўшни объектларни бошқа ҳужжатлар ҳамда топографик хариталар билан таққослаш шаҳарнинг тарихий манзарасини тиклашга ёрдам беради.

Қозилик ҳужжатлари, олди-сотди битимлари ва меросга оид ёзувлар ҳам шаҳар аҳолисининг мулкий муносабатлари ва ижтимоий таркиби ҳақида маълумот беради. Уларда ҳунармандлар, савдогарлар, уламолар, амалдорлар ва оддий фуқароларнинг шаҳар иқтисодий ҳаётидаги иштироки акс этади. Бу ҳужжатлар йирик сиёсий воқеаларга эмас, балки кундалик ҳаётга оид бўлгани учун расмий тарихий асарларни тўлдирувчи муҳим манба ҳисобланади.

Маҳаллий ривоятлар ва оғзаки тарихий хотира ҳам ёрдамчи манба сифатида аҳамиятга эга. Айрим маҳалла, зиёратгоҳ, булоқ ёки тепалик номлари қадимги топонимларнинг изларини сақлаб қолиши мумкин. Бироқ оғзаки маълумотларни ёзма ва археологик далилларсиз тўғридан-тўғри тарихий ҳақиқат сифатида қабул қилиш мумкин эмас. Улар, аввало, қўшимча текширишни талаб қилувчи илмий фараз манбаи сифатида баҳоланиши лозим. [6]

Сайёҳлар, элчилар ва дастлабки илмий тавсифлар

Тошкентнинг XVIII–XIX асрлардаги ташқи қиёфаси ва шаҳар ҳаётини ўрганишда сайёҳлар, дипломатлар, ҳарбийлар ва шарқшуносларнинг сафар қайдлари муҳимдир. Улар шаҳар деворлари, дарвозалар, бозорлар, масжидлар, мадрасалар, сув тармоқлари, боғлар ва аҳоли турмуши ҳақида бевосита кузатувларга асосланган маълумотлар қолдирганлар.

Сайёҳлик қайдларининг афзаллиги шундаки, улар кейинчалик бузилган ёки қайта қурилган объектларнинг ҳолатини тасвирлаб беради. Масалан, шаҳар деворларининг баландлиги, дарвозаларнинг номи, бозорларнинг жойлашуви ёки ариқлар йўналиши ҳақидаги маълумотлар тарихий топография учун муҳимдир. Бироқ саёҳатчиларнинг мақсади ва тайёргарлик даражаси турлича бўлган. Айримлари ҳарбий-разведка мақсадида, бошқалари савдо, дипломатия ёки илмий қизиқиш туфайли келган. Шу сабабли уларнинг маълумотларида субъектив баҳолар, нотўғри эшитилган номлар ва тахминий рақамлар учраши мумкин.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Тошкент ва унинг атрофидаги ёдгорликларни илмий рўйхатга олиш ишлари бошланди. Топографлар, археологлар ва ўлкашунослар шаҳар харобалари, тепаликлар, қадимги каналлар ва меъморий объектларни тавсифладилар. В.В. Бартольд ўз тадқиқотларида араб географлари маълумотларини XIX аср охиридаги топографик кузатувлар билан қиёслаган. У

[6] Массон М.Е. Ахангеран. Археолого-топографический очерк. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1953.

Бинкат, Шутуркат, Жабғукат ва бошқа шаҳарларнинг эҳтимолий жойлашувини йўллар ва масофалар асосида аниқлашга ҳаракат қилган.

Дастлабки илмий тавсифлар замонавий археология талабларига тўлиқ жавоб бермаса-да, уларнинг тарихий аҳамияти катта. Чунки кейинчалик қурилиш, ер ўзлаштириш ва шаҳар кенгайиши натижасида йўқолган кўплаб объектлар дастлабки тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Уларнинг харита, режа, сурат ва тавсифлари ҳозирги археологик тадқиқотлар учун бирламчи маълумот вазифасини бажаради

Ёзма ва археологик манбаларни қиёсий ўрганиш масаласи

Ёзма манбаларнинг маълумотлари археологик далиллар билан қиёсланмасдан туриб тўлиқ илмий хулосага олиб келмайди. Манбада шаҳарнинг катталиги, деворлари, бозорлари ёки боғлари ҳақида маълумот берилган бўлса, бу маълумотлар қазишмалардан аниқланган қурилиш босқичлари, маданий қатламлар ва топилмалар билан текширилиши лозим.

Ал-Муқаддасий ва Бартольд орқали маълум бўлган Бинкатнинг икки қатор девори, қалъа, шаҳристон ва рабоддан иборат тузилиши ўрта аср Тошкент ёдгорликларининг топографиясини таҳлил қилиш учун асос бўлади. Бироқ муайян девор қолдиғини автоматик равишда манбадаги ташқи ёки ички девор билан тенглаштириш мумкин эмас. Деворнинг қурилиш санаси, қайта таъмирланиш босқичлари, йўналиши ва атрофидаги маданий қатламлар аниқланиши керак Шунингдек, араб географлари санаб ўтган ўнлаб шаҳарларни ҳозирги қишлоқ ва тепаликлар билан боғлашда эҳтиёткорлик зарур. Топонимларнинг асрлар давомида фонетик ўзгариши, аҳоли кўчиши ва шаҳар марказларининг алмашиши локализацияни мураккаблаштиради. Масалан, айрим номлардаги «кат» ёки «кент» компоненти умумий «шаҳар» маъносини англатади ва бу ўхшашликнинг ўзи идентификация учун етарли эмас.

Ёзма ва моддий манбалар бир-бирини нафақат тасдиқлаши, балки айрим ҳолларда ўзаро зид келиши ҳам мумкин. Бундай зиддият манбалардан бирини инкор қилиш эмас, балки янги илмий муаммони англатади. Муаллиф маълумотни бошқа асардан кўчирган, муайян даврдаги ҳолатни умумлаштирган ёки маъмурий атамани географик маънода қўллаган бўлиши мумкин. Археологик ёдгорлик эса манбада тасвирланган даврдан аввал ёки кейинги босқичга тегишли бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Шу сабабли Тошкент тарихини реконструкция қилишда қуйидаги усуллар биргаликда қўлланилиши мақсадга мувофиқ: манбанинг яратилган вақти ва мақсадини аниқлаш; муаллифнинг маълумот манбасини баҳолаш; топонимларни филологик таҳлил қилиш; йўл ва масофаларни харитага тушириш; археологик қатламларни саналаш; танга ва эпиграфик материаллардан фойдаланиш; маҳаллий ҳужжатлар ва оғзаки маълумотларни таққослаш. Ана шундай комплекс ёндашувгина Тошкентнинг қадимги ва ўрта асрлар тарихини нисбатан холис тиклашга имкон беради.

Хулоса

Тошкент шаҳри ва воҳасининг тарихини ўрганишда ёзма манбалар беқиёс аҳамиятга эга. Араб географлари Шош ва Бинкатнинг шаҳарсозлик тузилиши, савдо йўллари, суғориш тизими, боғлари, бозорлари ва мудофаа иншоотлари ҳақида нисбатан батафсил маълумот берганлар. Форс манбалари Чоч топонимини ва маҳаллий тарихий-географик анъанани сақлаб қолган. Хитой сулолавий йилномалари эса воҳанинг араб истилосидан аввалги сиёсий тарихи ва халқаро муносабатларини ёритиш имконини беради. Маҳаллий солномалар, вақф ҳужжатлари, қозилик ёзувлари ва эпиграфик манбалар шаҳарнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини аниқроқ тасаввур қилишга хизмат қилади. Сайёҳлар, дипломатлар ва дастлабки

тадқиқотчиларнинг қайдлари эса кейинчалик йўқолган шаҳар деворлари, дарвозалар, бозорлар, ариқлар ва меъморий объектларни реконструкция қилишда муҳим ўрин тутади. Манбаларнинг ҳар бири муайян давр, сиёсий муҳит ва муаллифлик нуқтаи назарини акс эттиради.

Шунинг учун улардаги маълумотларни танқидий таҳлил қилиш, турли манбаларни ўзаро солиштириш ва археологик натижалар билан текшириш зарур. Ёзма ва археологик материалларнинг уйғун таҳлили Тошкентнинг Чоч, Шош, Бинкат ва Тошкент номлари остида кечган кўп асрлик тараққиётини, унинг шаҳарлар тизими, сиёсий мавқеи ва иқтисодий салоҳиятини илмий асосда тиклаш имконини беради.[7]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бартольд В.В. *Turkestan Down to the Mongol Invasion*. Second edition. – London: Luzac & Co., 1928. – P. 169–170.
2. Ал-Истахрий, Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад. *Китоб ал-масолик вал-мамолик* // Bibliotheca Geographorum Arabicorum. Pars I / Ed. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1927.
3. Ибн Ҳавқал, Абу-л-Қосим ан-Насибий. *Китоб сурат ал-ард* / Ed. J.H. Kramers. – Leiden: Brill, 1938–1939. – P. 507, 522. (EIPublication)
4. Маҳмуд Қошғарий. *Девону луғотит турк*. I–III жилдлар. – Тошкент: Фан, 1960–1963.
5. Массон М.Е. *Ахангеран. Археолого-топографический очерк*. – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1953.
6. *Ḥudūd al-ʿĀlam. The Regions of the World. A Persian Geography, 372 A.H.–982 A.D.* / Translated and explained by V. Minorsky. – London: Luzac & Co., 1937; reprint 1970. (Kroraina)
7. Шониёзов К. *Қанғ давлати ва қанғлилар*. – Тошкент: Фан, 1990. *Hanshu* («Хань сулоласи тарихи»).

[7] Ḥudūd al-ʿĀlam. The Regions of the World. A Persian Geography, 372 A.H.–982 A.D. / Translated and explained by V. Minorsky. – London: Luzac & Co., 1937; reprint 1970. (Kroraina)